ISSN 2010-720X

# ILIM HA'M JA'MIYET

# FAN VA JAMIYAT

2014 (№4)

# НАУКА И ОБЩЕСТВО

# SCIENCE AND SOCIETY

O'ZBEKISTAN RESPUBLIKASI' XALI'Q
BILIMLENDIRIW MINISTRLIGI

A'JINIYAZ ATI'NDAG'I' NO'KIS MA'MLEKETLIK
PEDAGOGIKALI'Q INSTITUTI'

# ILIM ha'm JA'MIYET

**Ilimiy-metodikali'q jurnal**

**Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat
pedagogika instituti**

# FAN va JAMIYAT

**Ilmiy-uslubiy jurnali**

**Нукусский государственный педагогический
институт имени Ажинияза**

# НАУКА и ОБЩЕСТВО

**Научно-методический журнал**

**Nukus State Pedagogical Institute
named after Ajiniyaz**

# SCIENCE and SOCIETY

**Scientific-methodical journal**

№ 4
2014

Ғәрезсизликтин тарийхын, еркин сезетуғын темалар тийкарында жазылса максетке сай болар еди.

Улыўма, ҳәзирги балалар поэзиясының тийкарғы максети хәм ўазыйпасында бақшадан баслап, мектеп оқыўшыларының көркем әдебиятқа деген қызығыўшылығын арттырыў, олардың колынан китап түспейтуғын дәрежеге алып келиў, бизге китаптың ямаса шығарманың саны емес, ал хақыйқый сапасын талап ететуғын ўакыт келди. Яғный оқыўшылар тәрептен қызығыўшылық пенен қабыл етилмеген китаптың улыўма баспадан шықпағаны мақул. Бурын хәм ҳәзир де қарақалпақ классик шайырлары Әжинияз, Бердақтың шығармаларын жақсы көрип ядлайтуғын, оқыйтуғын болса, жазыўшы-шайырларымыз мине усындай шығармаларды жазыўы шәрт.

**Әдебиятлар**


1. Мәмбетниязов Т. Қарақалпақ балалар поэзиясы хәм оның машқалалары. -Нөкис.: Билим, 1992.
2. Бекбергенова З. «Бала тили пал...» Нөкис.: Қарақалпақстан. 1997.
3. Кәримов К. Балалықтағы ертеклер. Нөкис.: Қарақалпақстан 1997. -Б. 5.
4. Аббазов С. Шығармалары. -Нөкис.: Қарақалпақстан.: 1991. -Б. 29-30.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада К.Каримов, С.Аббазов асарлари мисолида қорақалпоқ болалар адабиётининг мавзувий ўзига хослиги тахлил қилинган. Мақолада қуйидаги мавзулар тахлилга олинган: Ватанга садоқат руҳида тарбияловчи қўшиқлар; ота-онага, дўстликка, мехнат жараёнига, касб-хунарга, табиатга, болалар урф-одатларига ва бошқаларга бағишланган шеърлар. Мустақиллик йилларида қорақалпоқ болалар поэзияси мавзулари ўзгарди. Мақолада Т.Мамбетниязов, З.Бекбергенова каби болалар шеърияти вакиллари ижоди синчиклаб ўрганилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье анализируются тематические особенности каракалпакской детской поэзии в творчестве К.Каримова, С.Аббазова за годы независимости. В статье исследуются следующие темы: песни воспитывающие в духе преданности Родине, песни посвящённые родителям, дружбе, труду, профессиям, природе, детским обрядам и другие. В годы независимости изменилась тематическая направленность каракалпакской детской поэзии. В статье делаются ссылки на исследования Т.Мамбетниязова, З.Бекбергеновой по каракалпакской детской поэзии за годы независимости.

**SUMMARY**

The article deals with the analysis of thematic peculiarities of the Karakalpak childrens poetry by K.Karimov, S.Abbazov for the years of independence. The following kinds of songs have ben analysred: the songs devoted to education, in the spiritat devotion to Matherland respect to parents, friendship, labour, professions, nature and ceremony childrens songs. For the years of Independence the themes of Karakalpak children's poetry have changed. There is a reference on the research worles of T.Mambetniyazov, Z.Bekbergenova deveted to Karakalpak children's poetry for the years of Independence.


## ЛИРИК КЕЧИНМА ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН УЙҒУНЛИГИ


**С. Матякупов** — *филология фанлари номзоди*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар:** индивидуаллик, бадиий талқин, образлилик, бадиий тафаккур, фалсафий талқин.

**Ключевые слова:** индивидуальность, художественная интерпретация, образность, художественная идея, философическое толкование.

**Key words:** individuality, literary interpretation, literary, idea, philosophic interpretation.


Шеър — шоир истеъдоди салоҳиятидан яралган ҳодиса сифатида холис эстетик тадқиқот предметига айланадиган нутқий шакл ифодаси бўлиб, ижодкорнинг жонли импровизацияси ҳосиласи. Қолаверса, у олам жумбоғи иллюзиясининг сўзга кўчиши ҳамда субъектив ҳиссиётининг объективлашган моҳияти далолатномаси бўлиш билан бир қаторда туйғу ҳамда онгнинг ғоявий ибтидода уйғунлашувидир. Шунингдек, шеър — фалсафа, ахлоқ ва маърифат уйғунлиги бўлиб, оҳанг, маром ва мусиқанинг ҳиссий идрокда сараланишидир.

Шеъриятнинг ўзига хослиги ҳақида А.Шаропов шундай мулоҳаза юритади: «Қатъий интизом — поэтик мазмун, шоир тафаккури талаби. Коинот, турли галактикалардаги ўз орбитасида ҳаракат қилаётган юлдузлар сабабсиз бир-бирлари билан тўқнашиб кетмаганидек, ҳақиқий шеърдаги бирон ташбеҳ, ҳатто сўз ҳам шоир ният чизиғидан ташқарида ҳаракат қилмаслиги, шоирнинг эзгу ниятига зид бўлмаслиги зарур. Шеърда ана шундай мукаммаллик юзага келгандагина, у ўқувчини юлдузли осмондай ўзига сеҳрлаб олади. Шеърга юклатилган руҳ эса ўта қудратли ва муқаддас» (1.192).

Психологик тасвирнинг намоён бўлиши шеъриятда анча мураккаб кечади. Негаки, асосан оний кечинма асосига қуриладиган лирик ифодада таҳлил ва талқин ўзаро уйғунлашади. Бу нарса бадиий тафаккурнинг келгуси тараққиёт тамойилларини, реалистик тасвир маданияти имкониятларини, жанрлар ва ижодий услублар ранг-баранглигини асослайди.

Маълумки, диалог оғзаки ва ёзма нутқ бирикувидан ҳосил бўладиган шакл сифатида сўзловчи ҳамда тингловчи муносабатларининг узлуксизлигини таъминлайди. Унда синтактик танлов асосида қурилган баён услубий вазифадошлиги инъикос топган ҳолда адабий тил уч қатлами — китобий услуб, умумхалқ сўзлашув услуби ва луғавий бирликлар туркуми уйғунлашади. Шунинг учун ҳам унда руҳий ва ижтимоий бўёқдорлик бир-бирини тўлдиради. Агар драматик турга мансуб асарларда монолог ҳам диалоглашган моҳиятда бўйсундирилса, назмда мулоқот шакллари монологик ифодага сингиб кетади. Шу боисдан, шеъриятда ушбу ҳолатни махсус усул сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Айнан бир томонлама мулоқот устуворлиги шундай хулоса чиқаришга туртки беради. Негаки, лирика «мен»и руҳий кечинмалари негизида вужудга келади. Унда шахс мақоми борлиқнинг умумлашган, мавҳумлашган ҳамда уюшган моҳиятини акс эттиради.

*Менга барглар шивирлар аста:*
*«Энди биров шеър ўқийдими!..»*
*Наҳот Сўздан қолмади нишон,*
*гарчи улар бозорда лак-лак...*
*Менга гуллар шивирлар гирён:*
*«Бугун шеърнинг кимга ҳам керак!..»* (2.357).

Асқар Маҳкамнинг «Сўз жони» шеъри сўз, ижод ва эътиқод масаласига бағишланган. Асрлар мобайнида «покиза хилқат», «илоҳий неъмат» тарзида юксак мақомга кўтарилган сўзнинг қадрсизланиши фожиавий оқибатларга олиб келади. Зеро, Оллоҳ Таоло ва бандаси орасида ришта вазифасини бажарган восита узилса, маънавий таназзул ҳосил бўлади. Парчада санъат моҳияти фалсафага йўғрилади. «Сўзлар Аюбдек хаста» вазиятда ҳаддан ташқари жўнлашган конструкция энг қуйи граматик мазмунга тенглашади. Тушунча қудрати заифлашуви натижасида лирик қаҳрамон «Барглар шивирлар аста: «Энди биров шеър ўқийдими?», «Гуллар шивирлар гирён: «Бугун шеърнинг кимга ҳам керак!..» каби хулосага келади.

*Одам бўлмас ҳеч ким ўқимай,*
*Мавлононинг Куллиётини!..*
*Ва Пайғамбар Раҳмат тоғида*
*тингламоқда илоҳий ваҳий.*
*Бутун олам аҳлин оғзида*
*Икро бисми Роббикал-лазий!..»* (2.357).

«Мавлононинг Куллиёти», «Илохий вахий» макоми сўз кудратини ёркин аск эттиради. Унинг таянч нуктасини «Икро бисми Роббикал-лазий!..» калимаси тайин этади. Шундай экан, барг ва гуллар шивири хазон каби тўзиб кетади. Негаки, «Одам бўлмас, хеч ким ҳеч қачон, Навоийнинг ўкимай сўзин!» каби сатрлар юксак ҳис-хаяжон пардаларида битилган. Унинг ҳажми «кадимий осмон»ларга қадар чўзилган. Унинг салмоғи «дард вазни» кадар оғир ва изтироби. Унинг залвори «ўтлиғ муҳаббат» кадар хасратларга коник ва изтиробларга хамоханг. Унинг кисмати «англаш ҳукми»га улан-ган. Унинг моҳияти «хаёт зарвараклари»дек зиддият-у мураккабликлар билан пайвандланган ва табиати «рангин туйғу» такдирига боғланиб кетган.

Монологик тафаккурга асосланган шеърда сўз, маъно, оханг ва маром омухталашади. Унинг кўлланилиш усули бадиий самарадорликни хосил килувчи етакчи унсур, унда шакл такомиллашуви маъно-мантикини янгилайди ва услуб баркарорлашувига шароит туғдиради. Айнан, ифода бадиий имкониятлари чексизлиги тасаввур микёсларини ўкувчи онггига яхлит холда кўчиришни такозо этади. Ахборот тезкорлиги хамда рухиятнинг аниқ чизгиси муштараклиги мушохада тиниклигини таъминлайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аклий тафаккур юксалиши туйғу теранлашувига йўл очади. Зотан, сезимни мулохазадан, тафаккурни нутқдан, мухокамани тахлилдан айириб бўлмаганидек, диалогик муносабатларни хам монологик онгдан ажратиш мушкул. Вахоланки, бадиий чамбарчаслик қонунияти хаётни англаш ва идрок этиш бутунлигини етакчи таомил сифатида фалсафий-маънавий жиҳатдан такозо этади.

Мозийга урилиб синар овозим,
Умр ўтиб борар бенафъ, бенаво –
Нахотки бу – кўлим? Бу менинг созим?
Аллохдан сўрайман – Нечун бу жафо?!
Жами жудоликлар жонимга етди,
Ол, деймaн, Аллохим, омонатингни.
«Тавба» кил, - деди Ул, бир Китоб тутди –
Муродинг мустажоб, мингил отингни (2.200).

Рауф Парфининг «Тавба» шеъридан олинган парчада банданинг Парвардигорга илтижоси ва икрори тасвирланган. «Иймон бер рухимга, жисмимга жон бер» дея мурожаат этаётган лирик қахрамон ўз моҳиятини англашга интилади. Маърифат илинжидаги одамзод камолотнинг чигал йўлида толиккан. «Жами жудоликлар» уни аросатда колдиради. Муаллиф ёник мисралар воситасида персонаж ботиний оламига назар ташлар экан, мудоми ҳак ва хакикат йўлини идроклашга уринган инсон табиатини бутунлаштиришга харакат килади. Бандасининг жами саволларига жавобан «Ул бир Китоб тутади». Мукаддас китоб одамзодни хидоят йўли сари етаклайди:

Уммонлар йўлингда, жангал йўлингда,
Номаълум хар жойда курилган доринг.
Оламнинг калиди сенинг кўлингда,
Жафо ҳабибингдир, хиёнат – ёринг.
Аллохим, лахза – мен, сен эрса мангу,
Таскин берганингми, шафкатингми, бу?! (2.201).

Яратган уммат кисмат йўлини тасвирлаб беради. «Номаълум хар жойда курилган дор» - инсон рухияти зиддиятлари ҳосиласи! Маънавий юксалиш сўкмоклари айнан инсон иродасини тоблайди, эътиқодини синовдан ўтказади хамда нурафшон масканга етаклайди. «Оламнинг калиди» аслида одамзод саодатини далолатлайди. Бирок мавжуд йўл «жангал», «уммонларга» туташ. Исёндан кейинги итоат мўминга роҳат-фароғат бағишлайди. «Аллоҳим... мен ўлдим... Мен Сенга етдим...» мурожаати замирида англанган моҳиятнинг англанмаган қирралари жилваланади. Бинобарин, лахзага ўхшатилган одам кисмати китобда ёзилганидек силлик хамда бенуксон кечмайди. Унда Оллох Таоло куч-кудрати ва мехр-шафкати ўзининг ифодасини топади.

«Шоирлик - аслида шеърни шеъриятга алокаси йўк нарсалардан тозалай билишдир. Чунки шеърнинг гўзаллиги, аввало, ана шу мусаффоликда акс этади. шеърдаги софлик – туйғу ва тушунчадаги софлик эмас. Шеър билан шеърхон орасидаги давомли ички алоқа шундай бошланади... Зеро, хакикий адабиёт – санъаткорлик завқи ила яратилган асардан бошка бир нарса эмас. Унинг билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатишгина шахсий таассурот ва тасаввурни юзага келтиради. Бирок, хеч кандай адабий матн, муайян бир усул, тушунча ва хакикатга таянилиб ўкилмагунча, ўз-ўзидан туйғу ва фикр уйғотолмайди» (3.162).

Дарҳакикат, ботиний ҳамкорлик ижодкор калб кечинмалари ва ўкувчи дунёкараши орасидаги уйғунликни кашф этишдан иборат. Лирикада англаш тадрижи жорий алокадорликни қайта тиклаш жараёнига туташади. Оханг, ранг ва маром маъно товланишлари назмда хиссиёт микёсларини очиб беришга хизмат килади. холбуки, поэтик талкинда психологик тахлил – адабий тадкик яхлитлигини таъминловчи омиллардан саналади.

Шеъриятда рухий кечинма онг хамда лирик қахрамон муносабатларини бошкаради. Унда бадиий тасвир моҳияти кенгайиб теранлашган холда тасвир микёси мавхумлашади хамда ўзгаради. Шунингдек, ифода давомийлиги ўз хисобини алмаштиради хамда таянч нукталар ўлчамини янгилайди. Қолаверса, тахлил вазифадошлиги харакатни кескинлаштириб, тасвирдаги холатни муайян вазиятга мувофиклаштириш билан бирга ривоя субъекти объективлашган талкинни хосил килади хамда хиссий-маънавий босимни кучайтиради.


**Адабиётлар**

1. Ўзбек адабий танкиди тарихи антологияси. –Т.: Турон-Икбол, 2011.
2. XX аср ўзбек шеърияти антологияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2007.
3. Хаккулов И. Ижод иклими. –Т.: Фан, 2009.



**РЕЗЮМЕ**

Маколада ўзбек шеъриятида рухий кечинма ва бадиий ифода масаласи тадкик этилган. Ижодкорлар махорати хусусида атрофлича мулохаза билдирилган. Мавзу Р.Парфи, А.Махкам ижоди мисолида ўрганилиб назарий ва бадиий тахлил натижалари умумлаштирилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассматриваются вопросы внутреннего духовного мира персонажей и художественного описания в таком жанре узбекской литературы как проза. Приводятся различные дискуссии, в которых обсуждается мастерство авторов. Анализ духовного мира персонажей и особенностей художественного описания в прозе выполнен на материале произведений известных писателей — Р.Парфия и А.Махкамова.

**SUMMARY**

The given article deals with the issues of the inner spiritual world of the personages and artistic description in such genre of Uzbek literature as an emotive prose. There have been given different points of view in the discussions about the authors'skill. The analysis of the spiritual world of the personages and the peculiarities of artistic descriptions have been done on the material of the works of the famous writers – R.Parphiy and A.Makhkamov.

# MAZMUNI'

*Ta'lim samaradorligini oshirish*

Кощанов К.М. Обучение студентов вузов основам ведения научно-методических исследований ........ 3

## TA'BIYAT HA'M TEXNIKALI'Q ILIMLER

*Matematika, fizika, texnika, informatika*

Айтмуратов Б.Ш., Сейтимбетов Д.М., Сабиров А.О. Мураккаб шаклли юпқа пластинканинг электромагнит майдонда тебраниш масалаларини ечишнинг ҳисоблаш алгоритми ва уни MAPLE тизимида ечиш ........ 5
Ешмуратов Ш.А., Султамуратов Х.Х., Жуманиязов А.П.Минимал конфигурациялы жасалма нейрон торларын синтезлеў усылының нәтийжелилиги ........ 8
Жумаев Э.Э. Дифференциал ва вектор функция ёрдамида қўзғалувчи каноник реперни киритиш ва ундан фойдаланиш хакида ........ 10
Жумамуратов А., Жумамуратов М.А. Элементный анализ природных объектов Республики Каракалпакстан ........ 13
Жалелов М.А., Хошимов А.А. Рекомбинационные свойства компенсированного кремния ........ 15
Карабаева М.А., Хашимов А.А., Абдурахманов У. Исследование структуры сажасодержащих керамических материалов в рамках теории неоднородных систем ........ 17
Турманов И. Ғаўашаны дефолиациялаўдын пахта талшығынын сапасына тәсири ........ 19

*Biologiya*

Халмуратов П., Арзимова П. Бигнониялар тукымласы ўәкиллеринин биоморфологиялық өзгешеликлери ........ 20

## JA'MIYETLIK HA'M EKONOMIKALI'Q ILIMLER

*Ekonomika*

Абдукаликова М. Ўзбекистон Республикасида бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг аҳамияти ........ 22
Умаров Е.К., Умарова А., Қарақалпакстанның суўғарылатуғын аймакларында өндирис структурасын оптимизациялаў ........ 24
Каленов К. Бозор иктисодиёти шароитида пенсия жамғармасининг асосий вазифалари ........ 29

*Milliy ideya, ruwxiyli'q tiykarlari' ha'm huquqtaniw*

Кутлымуратов Ф., Исмаилова З. Конституция мәмлекеттин бас нызамы сыпатында ........ 30
Тилеўов Е. Мийнет шәртнамасын өзгертиўдин хукықый тийкарлары ........ 32

*Tariyx*

Шамамбетов Б., Сағындиков Б. Қарақалпақстанның аўыл хожалығында 1950-1970-жылларда пахташылық тараўының материаллық техникалық базасын раўажландырыў бағдарлары ........ 35
Хужаниязов У.Е. Ўзбекистонда ижтимоий маданият сохасидаги ислоҳотлар моҳияти ........ 36

*Til bilimi*

Байниязова С.Т. Категория валентности в исследованиях немецких лингвистов ........ 38
Өтемисов А. Қарақалпақ тилиндеги айырым фитонимлердиң қолланылыўы ҳаққында ........ 40

*A'debiyattani'w*

Алламуратова Г.Ж., Тлеубергенова Р. Тема любви в творчестве Ивана Бунина *(на примере рассказа «Солнечный удар»)* ........ 42
Курбаниязова С., Есбергенова Г. О переводах некоторых произведений Гёте и Гейне на русский язык ........ 43
Хўжаниёзов Э., Кабулова Д. Юртбошимиз каломларининг Муҳаммад Юсуф шеъриятидаги бадиий талкини ........ 46
Жуманов З.Т. Роман хәм көркем деталь (К.Алламбергенов романлары мысалында) ........ 49
Ктайбекова З.К. Ө.Ембергеновтын гүрринлериндеги сюжетлик өзгешеликлер ........ 51
Қазақбаев С.С. Ғәрезсизлик жылларындағы қарақалпақ балалар поэзиясының тематикалық өзгешеликлери ........ 53
Матякупов С. Лирик кечинма ва бадиий талкин уйғунлиги ........ 55
Пахратдинов А. Бердак шайырдын өмири хәм әдебий ағартыўшылық көз-караслары ........ 57
Rzaeva R.K., Eshimbetova N.M. Lyricism of the great poet-classic of the XIX-th century Ajiniyaz ........ 59
Сапаева Ф. Махтумкули шеърлари ўзбекча таржимасига баъзи бир қайдлар ........ 61
Шамуратова З. «Мы из другого поколенья...» Поэзия Тулепбергена Матмуратова (1939 -1984) ........ 65

*Pedagogika, psixologiya*

Абдуллаева Р., Джуманиязова Н. Взаимодействие различных языковых систем в сознании учащегося в процессе обучения 69
Ажиева М.Б., Ажиев А.Б. Методика решения задач и использование дидактического материала при изучении курса «Основы генетики» ........ 70
Алланазарова Ш.А. Традиции каракалпакского народа в изготовлении изделий из рогов и кожи ........ 72
Esbog'anova B., Xalimov M., Abatov J. Talabalarning chizma geometriya fanidan dastlabki olgan bilimlarini aniqlashda test-sinovlaridan foydalanish ........ 73
Хожиева З.Б. Когнитивный аспект анализа художественного текста ........ 75
Ибодуллаева И. Бошланғич синф ўкувчиларида ўкув фаолиятининг хусусиятлари ........ 77
Жамолдинова О. Ешларда соғлом турмуш маданиятини шакллантиришда технологик ёндашув ........ 79
Qurbanbaeva D. Sinf rahbarlarining tarbiyabiy ishlarini rejalashtirishi ........ 81
Матуразова З.М., Сапарова Л.К. К вопросу формирования ценностных ориентаций у молодёжи на основе народных традиций ........ 83
Отениязова Ш., Алаўатдинова Р. Баслаўыш классларда жаңа педагогикалық технологиялар хәм интеграциялык сабаклардың әхмийети ........ 85
Қалжанов П. Рамазанов М. Физикалық шынығыўлардын инсан саламатлығында туткан орны ........ 86
Тангирбергенова З. Ўсмирларда соғлом турмуш маданиятини шакллантириш ........ 88
Уразимова Т. Сүўретлеў өнери сабағы курылысының айрықшалыклары ........ 90
Утебаев Т.Т. Қаракалпақстанда тәлим-тәрбиялык ой-пикирлердиң раўажланыўы ........ 92

*Recenziya*

Базарбаев Ж., Пазылов А. Миллий ғоя тарғиботига тайёрлашнинг педагогик ва технологик асослари ҳақида янги тадкикот ........ 94